

## Амир Темур ёрлиғи қаерда?



17:34 / 09.04.2025 1590

Амир Темур ёрлиғи бизгача етиб келган энг нодир ҳужжатлардан бири сифатида беқиёс қадр-қимматга эга. Ёрлиқ Самарқанд қоғозига туркий тилда чиройли настаълиқ хати билан битилган ва унинг ҳажми бир варақ (ўлчови 29x47 см), 11 сатрдан иборат. Вақт ўтиши билан қоғоз анча уринган, шу туфайли унинг айрим сўзларини ўқиш [мушкуллашган](#).

«Ёрлиқ»нинг биринчи ва учинчи қаторларининг ўнг томонида бодом шаклидаги муҳр босилган. Муҳрнинг ўрта қисмида йирик ҳарфлар билан «Амир Темур Кўрагон бин Тарағай» деб ёзилган. Муҳрнинг ҳошиясида эса майда ҳарфларда ёзилган ва ўқилиши қийин Қуръони Карим оятлари келтирилганини тахмин қилиш мумкин.

Амир Темур девонига мансуб бу муҳим ҳужжат ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланади.

Б. Маннонов, Г. Остонова ва Ш. Камолитдинлар муаллифлигидаги «Амир Темурнинг туркий ёрлиғи» рисолада ёрлиқнинг топилиш ва ўрганилиш тарихи, унинг факсимиле сурати, араб имлосидаги матни ва ҳозирги ўзбекча табдили, шунингдек илмий изоҳлар ва тарихий воқеалар таҳлили берилган.